



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 3 (5)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

**Farg‘ona davlat universiteti uchun
MAXSUS SON**

3

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Abduvoxidov A.A. Moliyaviy bilim va ko‘nikmalarning iqtisodiy mazmuni hamda nazariy tamoyillari.	7
Olimova N.X. Qayta tiklanadigan energiya manbalaridan samarali foydalanishni rivojlantirish strategiyalari.	11
Эргашев А.Х. Исследование текущих тенденций и ограничений инвестиционной активности предприятий в стране.....	15
Yulchiyev A.O. Turistik destinatsiya tabiati va rivojlanish omillari: taklif va talabga asoslangan yondashuvlar.....	19
Mirzayev A.T., Ne‘matova D.A. Sanoatning bazaviy tarmoqlarini rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish.....	23
Karimov Sh.X. Turizm faoliyatini boshqarish jarayoniga hududiy salohiyatning ta‘sirini baholash.....	30
O‘rinboyev D.B. Qurilish materiallari sanoati korxonalarida inqirozning shakllanish bosqichlari va diagnostik ko‘rsatkichlari tahlili.....	34
Goziyev M.Sh., Bahodirova M.R. Digital transformation of corporate governance in developing economies (case of Uzbekistan).....	44
Israilova M.V. Sanatoriya-kurort sohasida mulkchilik munosabatlarini transformatsiyalashning ayrim masalalari.....	48
Turg‘unov M.M. Milliy iqtisodiyotda oziq-ovqat sanoati rivojlanishining tarmoq xususiyatlari.....	53
Raximova K.N. Raqamli iqtisodiyot sharoitida axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish masalalari.....	58
Mannopova M.S. Agrar sohaning barqaror rivojlanishida meva-sabzavotchilik klasterlari: tuzilma, yo‘nalishlar va asosiy tamoyillar.....	63
Nematova Sh.E. Raqamli transformatsiya sharoitida xizmatlar sifat menejmenti va kichik biznes subyektlarining iqtisodiy barqarorligi.....	68
Rasulov U.A. Raqamli iqtisodiyot — yangi O‘zbekiston iqtisodiy islohotlarining tayanch omili.....	72
Raximov D.Sh. Sanoat ishlab chiqarishini diversifikatsiya qilish jarayonlari va qayta ishlash tarmog‘ining raqobatbardoshlikka ta‘siri.....	77
Teshabayeva O.N. Turkiya tajribasi asosida turizm infratuzilmasini rivojlantirish yo‘nalishlari.....	81
Jumakulov Z.I., Tursunaliyeva K. O‘zbekiston Respublikasi bank tizimi: holati, rivojlanish tendentsiyalari va islohotlar samarasi.....	85
Jaksimova Z.R. Ko‘lam samarasi turlari, ularning tavsifi va ko‘lam samarasi asosida samaradorlikni oshirishning nazariy modellari.....	88
Yunusov A.R. "Green economy" - the problem of teaching at universities in Central Asia using the experience of european union universities.....	92
Юнусов Ш. Роль цифровизации и искусственного интеллекта в углублении региональных экономических отношений в Центральной Азии.....	95
Xalmatjanova G.D. Klasterlarni boshqarishning samaradorligini oshirish va resurslardan optimal foydalanish.....	104
Xomidov Q.Q. O‘zbekistonda turistik majmualar faoliyatini boshqarishning nazariy jihatlari.....	109
Jo‘rayev H.Q. Oziq-ovqat sanoati korxonalarining strategik salohiyatini baholashning jarayon va tizimli yondashuvlari	114
Xakimov D.R. Oliy ta‘lim sohasida bozor munosabatlari rivojlanishining asosiy omillari.....	117
To‘xtasinova D. Xalqaro hamkorlikning eksport-import oqimlarini tartibga solishdagi roli.....	123
Xolmatov B.A. Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishida tejamkorlik darajasini statistik baholash.....	127
Jumakulov Z.I., Baxromov B. O‘zbekiston davlat byudjetini shakllantirishda soliqlarning roli.....	131
To‘ychiyeva B.V. Oziq-ovqat sanoati korxonalarining barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqaruvning ilmiy-nazariy asoslari.....	133
Abdisamatov Sh.A. Makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar va iqtisodiy o‘shish barqarorligining asoslari hamda zamonaviy muammolari.....	141
Asraqulov A.S. Turistik xizmatlar bozorining rivojlanish xususiyatlari va turistik xizmat turlari diversifikatsiyalashuviga yondashuvlar.....	145
Rakhimova K.N., Mrs. Oubih Warda Institutional and innovative mechanisms for the development of digital tourism in Uzbekistan.....	151
Muxtorov A.A., Mirzayev A.T. Turizm sohasiga investitsiyalarni jalb etish jarayonlarini boshqarishning omilli tahlili.....	154
Usibjonova G.U., Mannopova M.S. Milliy iqtisodiyotda tadbirkorlik faoliyati va uning barqarorligini ta‘minlashning ilmiy asoslari.....	161

Oltiboyeva M.A., Teshabayeva O.N. O‘zbekiston turizm logistikasini rivojlantirishda raqamli innovatsiyalarning roli.....	166
Ximmatova G.K., To‘xtasinova D. Xizmatlar bozorida korxonalarining raqobat ustunligini barqarorlashtirish.....	170
Oltiyeva M.A., Mirzayev A.T. Hududlar resurs salohiyatini baholash orqali potensial turistik resurslarni turistik faoliyatga kiritish imkoniyatlarini modellashtirish.....	174
Xasanova R., Teshabayeva O.N. Qishloq xo‘jaligi tarmoqlarida diversifikatsiyaning hududiy jihatlari.....	180
Zufarova G.A. Ta‘lim bitiruvchilarining ko‘nikmalari va mehnat bozori ehtiyojlari o‘rtasidagi nomuvofiqlik muammosi.....	184
Ergashev J.S. "Yashil marketing" konsepsiyasi asosida energiya tejamkor qurilish materiallari bozorini rivojlantirish	187
O‘rinov A.A. Tikuv-trikotaj mahsulotlariga talabni shakllantirish va sotishni rag‘batlantirish tizimining o‘ziga xos xususiyatlari.....	192
Uzganbayeva D.T., Mo‘ydinov A. Sut va sut mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarida innovatsion salohiyatini iqtisodiy-matematik va faoliyatni boshqaruv mexanizmlari takomillashtirish.....	197
Саиджоновна З.Б. Ўзбекистонда саноат корхоналарига инвестиция жалб қилишнинг иқтисодий самарадорлиги.....	201
Qodirov Z.E. Fermer xo‘jaliklari faoliyatini rivojlantirishning imitatsion modellar tizimi.....	205
Ahmadaliyeva R.A., O‘rinov A.A. Qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilishning iqtisodiy ahamiyati.....	210
Хайдаров Х. Сугурта муносабатларида сугурта тариф ставкаларини ахамияти ва муаммолари.....	214
Махамადийев М.М. Iqtisodiy tarmoqlarda innovatsion g‘oyalar bankidan foydalanishning tahliliy asoslari..	217
Madaminov G‘.M. Harbiy xizmatchilarni moddiy rag‘batlantirishda qo‘shimcha to‘lovlar tizimining iqtisodiy va institutsional asoslari.....	222
Nazirboyev D.D. Moliyaviy siyosat va ijtimoiy barqarorlik omillari.....	227
Хасанова С.И. Ишлаб чиқариш корхоналари бошқаруви назарий асослари.....	232
Teshaboyev B.A. Econometric analysis of internal and external factors affecting the management efficiency of tourism enterprises.....	237
Mustafoyeva Z.A. Fintech texnologiyalarining moliya tizimi rivojlanishidagi o‘rni va istiqbollari.....	242
Xolmirzayev U.A., Muradova N.R. Rivojlanish strategiyalarida raqobat va hamkorlik o‘rtasidagi muvozanat: nazariy yondashuv va amaliy tahlil.....	245
Sadullayev R.P. Ekologik vaziyatni barqarorlashtirishda soliq mexanizmidan samarali foydalanish metodologiyasi: xorij tajribasi.....	249
Мурадов Б.Х., Аширов Д.Ф., Бахтиёрв Т.Д., Собиров Х.С. Қудратов М.Н. Основные факторы инновационных процессов АЭС, устойчивых источников энергии и перехода к «Зелёной» экономике.....	258
Tursunov O.B. Transport-logistika tizimini rivojlantirish orqali iqtisodiy o‘shishni ta‘minlash.....	269
Sayitbayev Sh.D. Yangi O‘zbekistonda moliyaviy barqarorlik va iqtisodiy o‘shish.....	274
Ibodulloyeva Z.S. Aligning energy systems engineering education with Uzbekistan’s renewable energy transition: rethinking curriculum reform through a policy–education lens.....	278
Salimova Z.S. Investitsiyalar va aholi daromadlari o‘rtasidagi mutanosiblikni ta‘minlashning konseptual asoslari.....	282
G‘aybullayeva Z.R., Oxunjonova K.K. Respublika tijorat banklari operatsiyalari va ularni rivojlantirish masalalari.....	286
Абдуллоев А.Ж. Ўзбекистонда маҳсулот сифатини бошқариш амалиётини давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари.....	289
Rahimova M.I. O‘zbekistonda ayollar rahbarligidagi korxonalarining eksport faoliyati va hududiy rivojlanish tendensiyalari.....	294
Rahmatullayeva D.O. Bandlik tuzilmasining o‘zgarishi va iqtisodiy samaradorlikka ta‘siri.....	299
Valikulov Sh.Z. “O‘zbekneftgaz” AJ da investitsion faoliyatning iqtisodiy samaradorligini oshirish omillari va ularni tizimli tahlil qilish.....	305
Турабекова Г.И. Яшил иқтисодиёт ва инсониятнинг барқарор келажаги учун йўл.....	312
Tajirboyev S.O. Xalqaro investitsiyalar va kapital oqimlari.....	316
Madaminov A.M. Sanoat korxonalarida faoliyatida zamonaviy boshqaruv mexanizmlaridan foydalanish istiqbollari (oziq-ovqat sanoati misolida).....	319

13. Malikov T. S, Haydarov N. H. Moliya: umumdavlat moliyasi. O‘quv qo‘llanma. T.: “Innovatsion rivojlanish nashriyat-matbaa uyi” 2009. — 556 b.
14. Baratov S. N. O‘zbekistonda kambag‘allikni qisqartirishda byudjet siyosati yo‘nalishlaridan foydalanish ustuvorliklari: iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun disser. avto. – T.: 2024. – 24 b.
15. Vosiqov U. A. Aholi daromadlari tabaqalanishi va kambag‘allikni qisqartirishda fiskal siyosatdan foydalanish: i.f.d. (DSc) ilmiy darajasini olish uchun disser. avto. – T.: 2025. – 34 b.
16. Usmanova A. A. O‘zbekistonda kambag‘allikni qisqartirishda fiskal instrumentlardan foydalanish istiqbollari: iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun disser. avto. – T.: 2024. – 28 b.
17. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Byudjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta‘minlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-5072-son qarori. URL: <https://lex.uz/uz/docs/-5370805>
18. Ochiq Byudjet portali. URL: <https://openbudget.uz>
19. Iqtisodiyot va moliya vazirligining “Tashabbusli byudjet jarayonlari: 2024-yilda erishilgan natijalar yuzasidan axborotnoma”si URL: https://api.mf.uz/media/document_files/1_Annual_2024_PB.pdf

УДК:658

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ БОШҚАРУВИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ УПРАВЛЕНИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННЫМИ ПРЕДПРИЯТИЯМИ

THEORETICAL FOUNDATIONS OF MANAGEMENT OF PRODUCTION ENTERPRISES

Хасанова Ситора Исламовна

БухДУ Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси, и.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация

Мақолада ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг амал қилишига бағишланган илмий қарашларнинг жаҳон хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланишини турли босқичларидаги эволюцияси таҳлил этилган.

Калит сўзлар: бошқарув, менежмент, корхона бошқаруви, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш омиллари, бошқарув самарадорлиги, корхона бошқарувининг иқтисодий механизми.

В статье анализируется эволюция научных взглядов на реализацию управления производственными предприятиями на разных этапах развития производственных отношений в мировой экономике.

Ключевые слова: управление, менеджмент, управление предприятием, производство, факторы производства, эффективность управления, экономический механизм управления предприятием.

The article analyzes the evolution of scientific views on the implementation of the management of production enterprises at different stages of the development of industrial relations in the world economy.

Key words: management, management, enterprise management, production, production factors, management efficiency, economic mechanism of enterprise management.

Янги Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш асосида уларнинг ички инверсион имкониятларини кенгайтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган ислохотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Сўнгги йилларда “мамлакатда sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқарилаётган sanoat маҳсулотлари турларини кенгайтириш орқали аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини самарали қондириш”[1] га қаратилган чора-тадбирларнинг мунтазам амалга оширилиши ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш заруриятини уйғотмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувини ташкил этиш, унинг амал қилиш хусусиятлари, тамойиллари узоқ хорижлик Р.С. Бҳақуни, К. Брюс, А. Даниел каби олимлар томонидан тадқиқ этилган бўлса, МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан Е.С. Гусар, С.А. Бородулина, Э.М. Коротков кабилар ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларни олиб боришган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан сўнгги йилларда Р.С. Муратов, И.О. Улашев, Р.Р. Абдурауповлар корхоналар бошқарувини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар амалга оширишган. Муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётда етарлича ўрганилмаганлиги, қутилаётган илмий натижаларни илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги ушбу мавзунда тадқиқот объекти сифатида танлашга асос бўлди.

Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Жаҳон хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатларининг тобора мураккаблашиб, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган омиллар ўртасидаги нисбатлар ўзгариб бориши билан биргаликда, бу турдаги корхоналар фаолияти ривожланиб, уларнинг сони ортиб бориши натижасида иқтисодий адабиётда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувини ташкил этиш, бошқарув жараёнларининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш асосида унинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар устувор аҳамият касб этиб борди. Бугунги кунга келиб жаҳон амалиётида глобал ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиши оқибатида мамлакатларaro меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви оқибатида ишлаб чиқариш корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш, уларни узоқ муддатли ривожланиш бўйича стратегик мақсадларига эришишларида улар фаолиятини бошқариш амалиётини, жумладан, корхоналар бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар сони кескин ортиб бормоқда.

Иқтисодий адабиётда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувига бағишланган дастлабки илмий қарашлар XVIII асрнинг биринчи ярмида капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши натижасида шаклланган бўлиб, инглиз тадбиркори Р. Аркрайт томонидан “Завод кодекси (Factory Code)”нинг ишлаб чиқилиши ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва унинг бошқаруви амалиётини такомиллаштириш бўйича дастлабки илмий асосланган фикрларни тарқалишига олиб келди. Ушбу кодексда ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини бошқариш жараёнида ёлланма ходимлар, яъни корхона ишчиларига нисбатан қатъий чоралар кўриш бўйича қуйидаги фикрлар ёзилган: “ишлаб чиқариш корхонаси ишчилари (ёлланма ходимлари) қатъий белгиланган иш жадвали асосида ишлашлари, керак бўлади. Шунингдек, улар корхона раҳбари буйруғига асосан яшашлари ва тегишли вақт оралиғида овқатланишлари зарур”[2]. Шу билан биргаликда, кодекс ишлаб чиқариш корхоналари бошқаруви амалиёти билан боғлиқ бўлган қуйидаги меъёрларга асосланган ҳисобланади:

- корхона ишчилари учун қатъий казарма режимига асосланган иш вақтининг белгиланиши;

- корхона ишчилари учун белгиланган иш ҳажмини кунлик меъёрлар асосида белгилаб бориш;

- ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат интизомини бузган ишчиларни жарималар орқали жазолаш тизимини ўрнатиш;

- ҳар бир ишчи бўйича индивидуал жарималар тизимини юритиш орқали улар меҳнатини баҳолаш.

“Завод кодекси (Factory Code)” асосида ишлаб чиқариш корхоналарини бошқариш амалиётида кузатув ва назорат функциялари корхона ишчиларини казарма режимида ишлатиш орқали амалга оширилиб, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда “Сабзи ва таёқ (Carrot and Stick)” усули орқали ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини таъминлашга эришилган.[2]

Таҳлилларга кўра, Р. Аркрайт томонидан ишлаб чиқилган “Завод кодекси (Factory Code)” асосида ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувини ташкил этишда корхона ишчилари ўртасида қатъий ўрнатилган тартибдаги меҳнат интизомини ўрнатиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга устуворлик қаратилганлиги аниқланди. Бу турдаги бошқарув амалиёти капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланишининг дастлабки даврлари учун хос ҳисобланади.

XIX асрнинг охирилари, XX асрнинг бошларига келиб, АҚШ иқтисодчиси Ф.У. Тейлор фикрлари ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувига оид илмий қарашларда туб бурилишни вужудга келтирди. Олим фикрича, “ишлаб чиқариш корхоналари бошқаруви самарадорлигини ошириш учун ҳар қандай рағбатлантириш тамойилидан фойдаланиш керак”[3]. Олим ўз илмий қарашларида ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувида ишчиларнинг квалификация даражаларини таҳлил қилиш асосида профессионал-техник таълим тизими асосида ходимларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин, деган ғояни илгари суради. Шу билан биргаликда, Ф.У. Тейлор ишлаб чиқариш корхоналари бошқаруви ҳар бир жараённи илмий таҳлилларга асосланган бўлиши кераклигини исботлаган ҳолда, менежмент фани тарихида катта бурилишга сабабчи бўлиб, “Менежмент илмий мактаби”га асос солади.

Жумладан, Ф.У. Тейлор илмий қарашларида ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувини ташкил этишда қуйидагиларга устуворлик қаратилиши кераклиги таъкидланган:

- корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда меҳнат муносабатларининг илмийлик тамойилига асосланиши;

- ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда меҳнат муносабатларининг рационаллашуви;

- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ишчиларнинг иштироки нуктаи-назаридан меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқариш корхонаси бошқарувининг меҳнат тақсимотига асосланиши;

- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ишчиларнинг иштироки нуктаи-назаридан ўзларига бириктирилган функционал вазифалар бўйича жавобгарликнинг тенг тақсимланиши.

Таҳлилларга кўра, Ф.У. Тейлор инглиз иқтисодчиси Р. Аркрайтдан фаркли ўлароқ, корхоналар бошқаруви самарадорлигини оширишда қатъий жазо чораларига эмас, балки, ишчиларни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга бўлган қизиқишини рағбатлантириш тамойили асосида ошириш билан эришиш мумкинлигини исботлаганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Шунингдек, Ф.У. Тейлор томонидан “Менежмент илмий мактаби” намоёндаларидан бири Г.Л. Гант “ишлаб чиқариш корхоналари бошқаруви самарадорлигини оширишда инсон омили ҳал қилувчи ўринни эгаллайди”[4] деган фикрни илгари суради. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини бошқаришда Ф.У. Тейлор фикрларига кўшилган ҳолда, қуйидагиларга устуворлик қаратилиши кераклигини қўшимча қилади:

- корхонада ишлаб чиқариш жараёнида фаол иштирок этаётган ишчиларни бонус балларини тўплаш асосида рағбатлантириш мезонларини ишлаб чиқади ва бу ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятига жорий қилиниши кераклигини таъкидлайди;

- корхона бошқарувига маҳсулот ишлаб чиқариш режасини тузиш билан уни бажарилиши устидан назорат ўрнатишни таклиф қилади;

- корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишнинг универсал ҳисобланган “Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг Гант схематик тузилиши”ни ишлаб чиқиб, ҳар бир корхона ўзининг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унга тегишли ўзгартиришлар киритиши мумкинлигини исботлайди.[4]

XX асрнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувига оид илмий қарашларнинг ривожланишида А. Файол, Г. Форд ва Дж.Э. Мэйо кабиларнинг қарашлари муҳим ўрин тутди. Жумладан, бугунги кунда А. Файол иқтисодчи олимлар томонидан “Классик менежмент” илмий мактаби асосчиси сифатида баҳоланади. Олим “корхона ўз олдига қўйган ҳар қандай мақсадига эришиши учун ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариши керак бўлади”[5], деган ғояни илгари суради. А. Файол ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувида қуйидагиларга устуворлик қаратилиши кераклигини таъкидлайди:

- корхонанинг бошқарув тамойиллари ва функциялари унинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши;

- ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувига тегишли бўлган функцияларни турли даражалардаги менежерлар ўртасида тақсимлаш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, назорат қилиш ва фаол бўлган ишчиларни рағбатлантириш;

- ҳар қандай ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувига жараёнлик ёндашувни шакллантириш;

- ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини бошқариш жараёнида бошқарувчи эгалик қиладиган куч (power) ва унинг функционал жиҳатдан масъулиятининг мавжудлиги;

- корхона ишчиларига иш ҳақини адолатлилик тамойили асосида белгилаш ва қўллаш.[6]

АҚШ автомобилсозлик корхонаси асосчиси, 161 та патент муаллифи ҳисобланган Г. Форд менежмент фани ривожига ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини бошқаришда “конвейер ишлаб чиқариши” усулини жорий этган ҳисобланиб, мазкур усул қуйидаги таркибий компонентлардан ташкил топади:

- корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни оммавий усулда ташкил этиш;

- корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш;

- корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ички занжирли тузилишини шакллантириш.[7]

Шунингдек, Дж.Э. Мэйо менежмент соҳасида бошқарув жараёнларига психологик ёндашувга асосланган ўз илмий қарашларини корхона ишчилари ва менежерлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар орқали исботлаган ҳолда, “яхши лидер ўзига бўйсунувчиларга эга бўлмайди инсонлар бошқарув жараёнининг асосий объекти ҳисобланади”[8] деган ғояни илгари сурган ҳолда, менежмент соҳасида “Инсон иқтисодиёти” концепциясини ишлаб чиқади. Олим ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувида қуйидагиларга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди:

- ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарлари, жумладан, турли бўғинлардаги менежерларининг ўз қўл остида ишлаётган ходимлари олдидаги ижтимоий мажбуриятларининг ўрнатилганлиги ва уни бажариши;

- менежерларнинг ўз қўл остида ишлаётган ходимлар билан суҳбатлашиши, уларга маслаҳатлар бериши;

- корхонада меҳнат муносабатларини такомиллаштиришни бошқарув бўғинида амалга оширилиши;

- корхонанинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишида ишчиларнинг қўшган ҳиссасидан келиб чиқиб, уларни адолатли рағбатлантириш;

- корхонанинг раҳбарлари, унинг турли бўғинларидаги менежерлари билан ишчиларнинг умумий бўлган мақсадларини шакллантириш.[9]

Юқорида келтириб ўтилган олимларнинг илмий қарашлари менежмент соҳасида нафақат ишлаб чиқариш балки турли корхоналар бошқарувини ташкил этишнинг илмий-концептуал асосларини шаклланиши ва ривожланишига хизмат кўрсатган. Ушбу олимлар менежмент соҳасида корхоналар бошқаруви концепциясининг фундаментал асосларини яратган ҳисобланишади.

Таҳлилларга кўра, ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти ривожланишининг дастлабки босқичларида инсон омилининг ишлаб чиқариш жараёнидаги иштироки юқори бўлганлиги сабабли, катъий чоралар кўриш орқали ишчиларни маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга устуворлик қаратилган. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларининг техник-технологик жиҳатдан такомиллашиб бориши натижасида ишчиларни рағбатлантириш, уларга муносиб иш ҳақи қўллаш ва инсон сифатида уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан биргаликда, меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга устуворлик қаратилганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.08.2019 йилдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятни янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-4426-сон қарори, <https://lex.uz/ru/docs/4486600>
2. Организация производства на предприятиях отрасли: курс лекций / М.А. Постолова, Н.Л. Грязнова, Кемеровский технологический институт пищевой промышленности. – 2-е изд., перераб. и доп. – Кемерово, 2008. – 160 с.
3. Frederick Winslow Taylor. The Principles of Scientific Management, 1911. / Фредерик Уинслоу Тейлор. Принципы научного менеджмента. – М., 1991. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. – 03.06.2010. URL: <https://gtmarket.ru/library/basis/3631>
4. Кравченко А.И. История Менеджмента / Учебное пособие для вузов. – 5-е изд. – М.: Академический проект: Трикста, 2005. – 560 с.
5. Uzuegbu Ch. Henry Fayol’s 14 Principles of Management: Implications for Libraries and Information Centres. *Journal of Information Science Theory and Practice*. 3 (2), June, 2015. – pp. 58-72
6. Daniel A. Wren, Arthur G. Bedeian, John D. Breeze. The Foundations of Henry Fayol’s administrative theory. *Management Decision* 40/9. 2002. – pp. 906-918
7. Сушко А.В. Полицейская Е.В. Управление и организация производством на предприятии: Теоретический аспект: Учебное пособие. / А.В. Сушко, Е.В. Полицейская. – ЮТИ ТПУ, 2015. – 139 с.
8. Bruce K. Nyland Ch. Elton Mayo and the Deification of Human Relations. *Organization Studies* 32 (3), March, 2011. – pp. 383-405
9. Bhakuni R.S. Elton Mayo’s Theory of Human Relation. *International Journal of Research in Commerce, IT, Engineering and Social Sciences (IJRCIESS)*. Vol. 4, No 7, July, 2010. – pp. 9-14